

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

2022 йил 5 январь

1-сон

Фаргона шаҳри.

Ислом Каримов номидаги Фаргона вилояти театр ва концерт саройи номидаги низоми асосида ҳаракат килувчи муассаса директори **И.И.Жалилов** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) бир томондан ва иккинчи томондан хонанда Алишер Турдиев (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидаги лицензия асосида

(Уста, Низом, ишончнома, лицензия)

ҳаракат килувчи "Ижрочи" томонидан мазкур шартнома қуйдагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ, "Ижрочи", 2022 йил 15 январь куни соат 17:00, ва 16 январь 14:00 ва 17:00 да Ислом Каримов номидаги Фаргона вилояти театр ва концерт саройида хонанда Алишер Турдиев иштирокида концерт тадбирини тасдиқланган сценарий асосида юқори бадиий савияда ўтказиш, концерт тадбирини белгиланган вақтда бошлаб ва белгиланган вақтда тугатиш мажбуриятини олади.

1.2. "Буюртмачи" мазкур шартнома орқали концерт тадбирини ўтказиш учун концерт дастури ҳақида радио ва телевидения орқали эълонлар бериш, реклама баннерларини, афишаларини тайёрлаш ва ўрнатиш, сарой биносида ижараси бўйича керакли барча шарт-шароитни яратиб бериш мажбуриятини олади.

1.3. "Буюртмачи" 2022 йил 15 январь куни соат 17:00, ва 16 январь 14:00 ва 17:00 да Ислом Каримов номидаги Фаргона вилояти театр ва концерт саройида хонанда Алишер Турдиев иштирокида концерт тадбири чипталарини баҳосини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

1.4 "Ижрочи" концерт дастурини ташкил этиш ва ўтказиш ишларини назоратга олиш учун ўзининг ишончли вакилини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

II. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартнома бўйича Ижрочи томонидан хизматлар кўрсатилишидан «2» календар кун олдин "Ижрочи"нинг (8600 0504 1816 1461) пластик карточкасига 130 000 000 (бир юз ўттиз миллион) сўм миқдоридан хизмат ҳақи тўлайди.

2.2. "Буюртмачи" мазкур шартнома орқали концерт тадбирини ўтказишга сарфланган қуйдагилар: концерт дастури ҳақида радио ва телевидения орқали эълонлар бериш учун, реклама баннерларини, афишаларини тайёрлаш ва ўрнатиш учун, сарой биносида барча керакли шарт-шароитни яратиб бериш ижараси учун сарф-ҳаражатлардан ташқари маблағларни счё-фактурага асосан "Ижрочи"нинг ҳисоб-рақамига ўтказиш орқали амалга оширади.

2.3. Тўлов "Ижрочи"нинг сўм пластик картасига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4. "Ижрочи"нинг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

III. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни кўрсатиши шарт.

3.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг "Ижрочи" "Буюртмачи"га кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.3. Хизмат натижаларидан қониқмаган "Буюртмачи" далолатномани олган пайтдан бошлаб 5 кун ичида Ижрочиға хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. "Буюртмачи"нинг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома туздилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом этириш имконияти йуқлиги ёки мақсадага мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, "Буюртмачи" бу ҳақида "Ижрочи"ни хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чоралар кўриши шарт.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

4.1. "Ижрочи" ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган зарарни "Буюртмачи"га тўлиғича тўлаши шарт, лекин бу тўлов ушбу шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.2. Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тараф ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган мажбурият қийматининг 0,4 фоизи миқдоридан иккинчи тарафга пеня тўлайди.